

ЁЛФИЗ ОНА
БОШПАНАЛИ
БҮЛДИ

2-бет

ҲАМ МАШАҚҚАТЛИ,
ҲАМ ДАРОМАДЛИ
КАСБ

3-бет

ҚҰТЛУҒ САНАГА
МУНОСИБ
ТУХФА

4-бет



TURKISTAN

janubiy.kz

Жанубий Қозғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнләри чиқады

2022 йил 29 ноябрь, сешанба, №131 (3184).



Қишлоқ ривожланса, юрт фаровон бўлади

ҚР Президентининг янги муддатдаги
Биринчи фармони қишлоқни
ривожлантиришга қаратилган

Давлат раҳбари Қасим-Жўмат Тўқаев қишлоқ-
парни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонни
имзолади.

— Хозир сайловдаги ғалабани нишонлаш эмас, кўп
мехнат қилиши вақти. Шу муносабат билан мен биринчи
навбатда ҳал қилиниши керак бўлган бир нечта
масалага тўхтамоқчиман. Сайловоди нутқларимда
қишлоқ ободончилигига алоҳида эътибор қаратдим.
Буғунги кунда Қозғистон ахолисининг деярли 40 фоизи
қишлоқларда яшайди. «Қишлоқ – юрт бешиги», деб,
халқимиз бежиз айтмага. Шундай экан, қишлоқдаги
аҳволни яхшил олмасак, бошқа соҳаларда тараққиёт
бўлмайди. Шунинг учун бугун мен қишлоқларни ривож-
лантириш тўғрисидаги Фармонни имзолайман, — деди
Қасим-Жўмат Тўқаев Президентни улуғлаш маросимида.

Президент ушбу ҳужжат орқали Ҳукуматга қишлоқни
ривожлантиришининг 5 йилга мўлжалланган аниқ режа-
сина ишлаб чиқиши топшираётганини айтди.

— Бу менинг янги президентлик давридаги биринчи
Фармоним бўлади. Ҳукумат қишлоқни ривожлантириш
ложиҳаларини тизимли равишда ташкил этиши керак.
Шундан сўнг биз мақсадли иш олиб борамиз, — деди у.

Akorda.kz

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартағи «Ҳокимларнинг аҳоли билан
учрашувларини ўтказиш тўғрисида» ги 826-сонни
Фармоннинг ижроси доирасида Туркистон вилояти
ҳокими Сатибалди Дархан Амангелдиулининг
Ўрдашибоши тумани аҳолиси билан учаравши 2022
йил 7 декабрь куни соат 16:00да Темирлан қишлоғи,
Ҳожимуқон кўчаси, 219-йда, туман Маданият
саройида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг шахсий масалалар
бўйича қабули 2022 йил 7 декабрь куни соат 17:00да «Ай» тантаналар саройи биноси (Темирлан
қишлоғи Рахиев кўчаси 2-й)да ўтади.

Қабулга аввалдан ёзилиш 8(72533) 5-98-99 ало-
қа телефони ва t.akimat@ontustik.gov.kz электрон
манзили орқали 2022 йил 6 декабрь соат 9:00дан
19:00гача (түшкі танаффус соат 13:00дан:
19:00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилларнинг иштирокини таъ-
минлаш ва бевосита алоқа ўрнатни мақсадида
ариза беруучининг исми-шарифи, саволнинг мазмуни,
манзилоҳ, алоқа телефони ва электрон манзи-
ли(мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди ама-
лий ташриф билан Арис шаҳрига бориб, аҳоли билан
учрашди. Мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётига оид
долзарб саволларига жавоб берар экан, вилоят ва ту-
манини ривожлантириш режалари ҳақида фикр юритди.

— Чуқур тарихга эга Арис шаҳри юксак ишлаб чиқа-
риши ва транзит имкониятларига эга. Биз бу устувор-
ликдан имкон қадар кенг фойдаланишимиз керак.
Матъумки, фожиадан кейин Арисининг тикланниши давлат
томонидан қўллаб-куватланди. Шаҳарнинг ижти-
мий-иқтисодий тараққиётини хозир жадал. Бу борадаги
ишлар давом эттирилади. Арисга газ келди, аҳолининг
фаровонлиги ошмоқда, — деди вилоят ҳокими.

Ташриф давомида Д. Сатибалди ҳарбий кисмага
бориб, ҳарбий хизматчи-
ларнинг ҳаёти билан таниши-
ди. Вилоят раҳбари ҳарбий
қисм худудида жойлашган
13 минг 500 квадрат метр-
лик бинони кўдан кечириди.

У яқинда ҳокимлик тасарру-
фига олини.

Вилоят ҳокими Марказий
Оссиёда қиёси бўлмаган
поливинилхлорид гранула-
ми ишлаб чиқарувчи завод
лойиҳаси билан танишиди.
30 кишини доимий иш билан
таъминлаган сармоядор
ушбу лойиҳага 600 миллион
теге ажратди. Корхона Қозғистондан ташқари яқин
ва узоқ ҳориж мамлакатла-
рига ҳам маҳсулот экспорт
кила бошлади.

Бундан ташқари, корхона-
нинг транспорт-логистика
маркази бир вақтнинг ўзида
1000-1200 тонна юкни сақла-
шаш имкониятига эга.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ШИМКЕНТДА ТУРКИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Давлат раҳбари
Қасим-Жўмат Тўқаевнинг мамлакат-
да дунёнинг етакчи олий таълим муса-
сасаларининг филиалини очиши тўғри-
сидаги фармийишига мувофиқ Жанубий
Қозғистон давлат педагогика универ-
ситети Туркиянинг Фози университети
филиали очиљди.



Фан ва олий таълим университетини
дан маълум қилишларига, бу мамлакатда
олий таълимимни ранг-баранглаш-
тиришга замин яратади.

Жанубий Қозғистон давлат университети ректори Гулжан Суғирбаева,
шунингдек, Фози университети ректори
Мусой Йилдиз ва Анқара университети
ректори Наджет Унувар академик ҳам-
корлик доирасида ўзаро алоқаларни
мустаҳкамлаш, иммий ва амалий таж-

риба алмашиш бўйича меморандум
имзоладилар.

Университет ректори Наджет Унуварга «Жанубий Қозғистон давлат педагогика
университети профессори»
унвонини топшириди.

Фарҳий меҳмонлар университетнинг
моддий-техник ҳолати билан танишиб,
хиёбонга кўчат ўтказдилар.

Хабар 24.



ҚР СЕНАТИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ 2023 ЙИЛ 14 ЯНВАРГА БЕЛГИЛАНДИ

Давлат раҳбари Қозғистон Республикаси Парламенти Сенати депутатлари сайловини 2023 йил 14 январга тайинлаш тўғрисидаги фармонни имзолади.

Қозғистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси 2-банди, Қозғистон Республикасининг 1995 йил 28 сенябрдаги «Қозғистон Республикаси сайловлар тўғрисида» Конституцияий қонунининг 69-моддасига мувофиқ Қозғистон Республикаси Парламенти Сенати депутатлари сайлови 2023 йил 14 январга белгиланди.

24.kz

ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ҚОЗОҒИСТОН ҲАЛҚИГА ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ ҚАЙТА
САЙЛАНГАН ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ
УЛУГЛАШ МАРОСИМИДА ҲАЛҚ ОЛДИДА ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

— Қозғистон ҳалқига садоқат билан
хизмат килишга, Қозғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя
этишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-
ларни кафолатлашга, Қозғистон Республикаси Президенти томонидан менга
юкланган шарафли бурчни содиклик билан
бажариша тантанали қасамёд қиласман, —
деди Қасим-Жўмат Тўқаев Конституцияига
қўлини қўйиб.

Қасамёд қабул қилингач, Қозғистон Республикаси давлат мадҳияси ижро этилиб,
Марказий сайлов комиссияси раиси давлат
раҳбаририга Қозғистон Республикаси Президентининг
Ҳалқ коалицияси аъзоларига миннатдорчи-
лик билдириди.

каси Марказий сайлов комиссияси якунла-
рига кўра, 20 ноябрь куни ўтган навбатдан
ташқари президентлик сайловида номзод
Қасим-Жўмат Тўқаев сайловчиларнинг
81,31 фоиз овозини олиб, ғалаба қозонган
эди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов
комиссияси Қозғистон Республикаси Президентининг қасамёд қилиш кунини 26
ноябрга белгилади.

Улуғлаш маросимида Қозғистон Республикаси Президенти Қ. Тўқаев ўзини пра-
зидентлик номзод сифатида кўрсатган
Ҳалқ коалицияси аъзоларига миннатдорчи-
лик билдириди.

(Давоми 2-бетда). ►

ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТАЁТГАН ШАҲАР



● Обуна-2023

«Жанубий Қозғистон» – доно дўстингиз, ҳамкорингиз!

Қадрли муштарий!

Йил сиёсий жабҳадаги испоҳотлари, меҳнатдаги
зафарлари ила поёнига етмоқда. Келгуси 2023 йил
учун дәверий нашрларга обуна авжид.

Қозғистон Республикаси Мустақиллиги билан
тенденз, миллат минбари ва фахри саналмиш «Жан-
убий Қозғистон» рўённомаси омма билан давлат ўр-
тасидаги олтин кўпрак вазифасини шараф билан ад-
этмоқда.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, мукаммал шахс бўл-
гингиз келса, кун сайн вилоят, республика ва жаҳон
янгиликларидан воқиғ бўлиши истасансиз, ҳеч иккап-
ланмай суюкли газетангиз – «Жанубий Қозғистон»га
обуна бўлни!

«Жанубий Қозғистон» газетаси таҳририятининг
шилоатли ва изланувчан жамоаси сизнинг маънавий
эҳтиёжларинизни таъминлашга, ижодий хизмат кўр-
сатишига ҳамиша шай.

6 ойга обуна баҳоси:
“Қазпошта” ҲЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шымкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

